

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-июнида 634,2 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132,6 фоизни, шу жумладан, экспорт 151,1 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 148,3 фоизни, импорт 483,2 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 128,3 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 332,1 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан минус 231,2 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 100,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-июнда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-июнь		2018йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 й.	2019 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>478408,3</b>	<b>634226,1</b>	<b>132,6</b>
МДХ мамлакатлари	300863,2	341152,6	113,4
бошқа хориж мамлакатлари	177545,1	293073,5	165,1
<b>Экспорт</b>	<b>101862,0</b>	<b>151058,0</b>	<b>148,3</b>
МДХ мамлакатлари	23439,3	54965,4	2,3 м.к.
бошқа хориж мамлакатлари	78422,7	96092,6	122,5
<b>Импорт</b>	<b>376546,2</b>	<b>483168,1</b>	<b>128,3</b>
МДХ мамлакатлари	277423,9	286187,2	103,2
бошқа хориж мамлакатлари	99122,4	196980,9	198,7
<b>Сальдо</b>	<b>-274684,2</b>	<b>-332110,2</b>	<b>х</b>
МДХ мамлакатлари	-253984,5	-231221,9	х
бошқа хориж мамлакатлари	-20699,7	-100888,3	х

**2019 йил январь-июнда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши**



*Вилоятимиз резидентлари томонидан амалга оширилган ташқи савдо операцияларида асосий улушларни Осиё (68,5 %), Европа (29,4 %), Америка қитъаси (1,2 %) давлатлари эгалламоқда ва уларнинг умумий савдо айланмасидаги улуши 99,2 % ни ташкил этмоқда.*

Бухоро вилоятининг 2019 йил январь-июнь ҳолатига ташқи савдо айланмасидаги улушининг 53,8 фоизи МДХ давлатларига тўғри келади қолган 46,2 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар 2018 йилда мос равишда 62,9 фоизи МДХ давлатларига тўғри келган бўлса қолган 37,1 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бухоро вилоятининг МДХ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-июнь ҳолатига 341,1 млн АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,4 фоиз кўпайиш кузатилган. Шундан экспорт 2,3 баравар ўсган бўлса, импорт 83,2 фоизга кўпайган.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Эрон, Афғонистон, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 78,8 фоизни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Россия, Туркманистон, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Германия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 90,5 фоизни ташкил қилади.

МДХ давлатлари орасида ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Беларусия, Украина, Тожикистон давлатлари ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 92,9 % ни ташкил қилди. Бошқа давлатлар орасида эса Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Афғонистон, Германия, АҚШ, Латвия, Эрон, Белгия, Литва давлатларининг улуши 94,1 % ни ташкил қилди.

**Ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар**  
(январь–июнда)

(млн. АҚШ доллари)

	<i>Экспорт</i>	<i>Импорт</i>	<i>Товар айланмасидаги улуши, % ҳисобида</i>
Туркманистон	2,7	141,3	22,7
Россия	14,1	127,2	22,3
Хитой	22,7	88,7	17,6
Эрон	34,0	17,9	8,2
Афғонистон	27,6	0,1	4,4
Туркия	2,6	23,7	4,1
Қозоғистон	15,2	9,5	3,9
Жанубий Корея	0,2	19,9	3,2
Қирғизистон	19,6	0,1	3,1
Германия	-	18,3	2,9
АҚШ	0,1	6,8	1,1
Украина	1,5	5,7	1,1
Латвия	0,1	3,9	0,6
Белгия	-	3,6	0,6

Вилоятнинг 2019 йил январь-июнь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Россия (22,3 фоиз), Туркманистон (22,7 фоиз), Хитой (17,6 фоиз), Эрон (8,2 фоиз) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 70,8 фоизни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Эрон, Афғонистон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 78,8 фоизни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Хитой, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Германия, Туркманистон давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 90,5 фоизни ташкил қилади.

**Йирик ҳамкор-давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси**  
(январь-июнь ойлари)

(млн. АҚШ доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2015 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
<b>Туркманистон</b>	<b>93,5</b>	<b>53,5</b>	<b>49,6</b>	<b>50,9</b>	<b>144,0</b>
Экспорт	4,2	2,8	1,8	0,9	2,7
Импорт	89,3	50,7	47,8	50,0	141,3
Сальдо	-85,1	-47,9	-46,0	-49,1	-138,6
<b>Россия</b>	<b>138,1</b>	<b>143,1</b>	<b>197,1</b>	<b>216,9</b>	<b>141,3</b>
Экспорт	10,0	9,0	9,0	9,9	14,1
Импорт	128,1	134,1	188,1	207,0	127,2
Сальдо	-118,1	-125,1	-179,1	-197,1	-113,1
<b>Хитой</b>	<b>43,3</b>	<b>23,2</b>	<b>15,8</b>	<b>68,3</b>	<b>111,4</b>
экспорт	18,7	12,4	6,9	18,6	22,7
импорт	24,6	10,8	8,9	49,7	88,7
сальдо	-5,9	1,6	-2,0	-31,1	-66,0
<b>Туркия</b>	<b>10,3</b>	<b>5,3</b>	<b>4,2</b>	<b>9,2</b>	<b>26,3</b>
Экспорт	7,0	3,0	2,0	0,9	2,6
Импорт	3,3	2,3	2,2	8,3	23,7
Сальдо	3,7	0,7	-0,2	-7,4	-21,1
<b>Жанубий Корея</b>	<b>13,0</b>	<b>11,3</b>	<b>1,4</b>	<b>3,1</b>	<b>20,1</b>
Экспорт	11,1	9,7	0,1	0,4	0,2
Импорт	1,9	1,6	1,3	2,7	19,9
Сальдо	9,2	8,1	-1,2	-2,3	-19,7
<b>Германия</b>	<b>0,9</b>	<b>1,7</b>	<b>7,6</b>	<b>9,6</b>	<b>18,4</b>
экспорт	-	-	-	0,1	-
импорт	0,9	1,7	7,6	9,5	18,4
сальдо	0,9	1,7	7,6	-9,4	-18,4
<b>Эрон</b>	<b>35,3</b>	<b>59,1</b>	<b>35,1</b>	<b>52,5</b>	<b>51,9</b>
экспорт	33,2	57,3	33,7	48,4	34,0

(млн. АҚШ доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2015 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
импорт	2,1	1,8	1,4	4,1	17,9
сальдо	31,1	55,5	32,3	44,3	16,1
<b>Қозоғистон</b>	<b>7,8</b>	<b>6,9</b>	<b>20,3</b>	<b>16,9</b>	<b>24,7</b>
Экспорт	1,6	5,9	17,1	9,4	15,2
Импорт	6,2	1,0	3,2	7,5	9,5
Сальдо	-4,6	4,9	13,9	1,9	5,7
<b>АҚШ</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>-</b>	<b>0,2</b>	<b>6,9</b>
Экспорт	-	-	-	0,1	0,1
Импорт	0,1	0,1	-	0,1	6,8
сальдо	0,1	0,1	-	-	-6,7
<b>Украина</b>	<b>1,0</b>	<b>2,5</b>	<b>1,8</b>	<b>5,5</b>	<b>7,2</b>
экспорт	0,1	0,3	0,6	0,5	1,5
импорт	0,9	2,2	1,2	5,0	5,7
сальдо	-0,8	-1,9	-0,6	-4,5	-4,2
<b>Латвия</b>	<b>0,3</b>	<b>0,2</b>	<b>4,6</b>	<b>11,9</b>	<b>4,0</b>
Экспорт	0,1	0,2	1,0	-	0,1
Импорт	0,2	-	3,6	11,9	3,9
Сальдо	-0,1	0,2	-2,6	11,9	-3,8
<b>Белгия</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>0,3</b>	<b>2,1</b>	<b>3,6</b>
Экспорт	-	-	-	-	-
импорт	0,1	0,1	0,3	2,1	3,6
сальдо	0,1	0,1	0,3	2,1	-3,6
<b>Беларусия</b>	<b>0,4</b>	<b>1,3</b>	<b>2,2</b>	<b>7,4</b>	<b>2,3</b>
экспорт	0,1	0,1	-	0,2	0,2
импорт	0,3	1,2	2,2	7,2	2,1
сальдо	-0,2	-1,1	2,2	-7,0	-1,9
<b>Литва</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>	<b>0,5</b>	<b>1,2</b>	<b>3,0</b>

(млн. АҚШ доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2015 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
экспорт	0,1	-	0,2	0,4	0,3
импорт	0,1	0,1	0,3	0,8	2,7
сальдо	-	0,1	-0,1	0,4	-2,4
<b>Польша</b>	<b>0,4</b>	<b>0,6</b>	<b>0,2</b>	<b>0,6</b>	<b>2,5</b>
экспорт	0,3	0,3	0,1	0,4	0,9
импорт	0,1	0,3	0,1	0,2	1,6
сальдо	-0,2	-	-	0,2	-0,7
<b>Нидерландия</b>	<b>0,2</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>1,4</b>
экспорт	-	-	-	-	-
импорт	0,2	0,1	0,1	0,1	1,4
сальдо	0,2	0,1	0,1	0,1	1,4
<b>БАА</b>	<b>0,3</b>	<b>-</b>	<b>0,5</b>	<b>1,9</b>	<b>2,0</b>
экспорт	-	-	0,1	1,7	0,6
импорт	0,3	-	0,4	0,2	1,4
сальдо	0,3	-	-0,3	1,5	-0,8
<b>Афғонистон</b>	<b>13,3</b>	<b>28,6</b>	<b>21,9</b>	<b>2,1</b>	<b>27,7</b>
экспорт	13,3	28,6	21,8	2,0	27,6
импорт	-	-	0,1	0,1	0,1
сальдо	13,3	28,6	21,7	1,9	27,5
<b>Қирғизистон</b>	<b>0,4</b>	<b>-</b>	<b>0,6</b>	<b>2,2</b>	<b>19,7</b>
экспорт	0,4	-	0,6	1,9	19,6
импорт	-	-	-	0,3	0,1
сальдо	-	-	0,6	1,6	19,5
<b>Покистон</b>	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>	<b>0,2</b>	<b>2,8</b>	<b>1,3</b>
экспорт	-	0,1	0,2	0,3	0,2
импорт	0,3	-	-	2,5	1,1
сальдо	0,3	0,1	0,2	-2,2	-0,9

## МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

(минг АҚШ доллари)

	Экспорт		Импорт	
	январь-июнь		январь-июнь	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
<b>Жами</b>	<b>23439,3</b>	<b>54965,4</b>	<b>277423,9</b>	<b>286187,2</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Россия	9928,1	14102,9	207012,5	127242,5
Қозоғистон	9363,5	15172,3	7489,6	9529,5
Украина	493,8	1538,5	5030	5654,9
Туркменистон	939,2	2653,4	50031,7	141286,2
Белоруссия	195,7	222,8	7196,3	2087,2
Қирғизистон	1912,5	19648,1	259,9	98,8
Озарбайжон	206,0	201,0	7,5	-
Тожикистон	259,8	964,1	396,3	272,3
Молдова	140,7	462,3	-	15,9

Вилоятнинг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122,2 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 2,9 м.к., энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари 17,7 м.к. ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 27,6 фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 5,0 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

### 2019 йилнинг январь-июнда экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2018 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>148,3</b>
пахта толаси	61,4	29,5	71,4
озиқ-овқат маҳсулотлари	11,6	22,4	2,9 м.к.

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида</i>
	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнь</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,9	0,7	122,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,7	19,9	17,7 м.к
қора ва рангли металллар	0,1	0,1	2,0 м.к.
машина ва ускуналар	-	1,3	-
хизматлар	8,4	6,4	111,6
бошқалар	15,9	19,7	182,2
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>128,3</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	1,5	1,8	156,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	4,8	5,0	135,6
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	61,0	50,8	107,0
қора ва рангли металллар	2,2	1,3	72,8
машина ва ускуналар	21,3	27,6	166,2
хизматлар	0,1	0,1	133,3
бошқалар	9,1	13,4	186,9

**Йиллар кесимида экспорт таркиби динамикаси**  
(январь-июнь ойлари; млн.АҚШ доллари)

<i>Таркиби</i>	<i>2015 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019й.</i>
Пахта толаси	44,8	3,0	42,4	62,5	44,6
Озиқ-овқат товарлари	6,1	14,8	22,9	11,8	33,8
Кимё маҳсулотлари	0,5	0,7	1,4	0,9	1,1




<i>Таркиби</i>	<i>2015 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019й.</i>
Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	12,9	28,2	24,3	1,7	30,1
Қора ва рангли металлар	-	1,2	-	0,1	0,2
Машина ва асбоб-ускуналар	0,03	0,04	-	-	1,9
Хизматлар	46,3	46,9	9,8	8,6	9,6
Бошқалар	41,8	35,8	18,3	16,3	29,7

Вилюятимизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чоратadbирлар натижасида 2019 йил январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 53,8% ни ташкил этиб, ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,4 % ташкил этди.


Бошқа хорижий давлатларнинг вилюятимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 2018 йилнинг январь- июнь ойларида 37,1 %ни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 46,2 %га етди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 65,1 % кўпайди.

**Товар ва хизматлар экспортининг ўсиш суръатлари динамикаси**  
(2019 йил; ўтган йилга нисбатан,%)



2019 йилнинг январь-июнь ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, лекин 2019 йилнинг январь - июнь ойларида амалга оширилган экспортнинг умумий ҳажмида айрим товарлар ва хизматларда ўсиш суръатлари қайд этилди.

**2019 йил январь-июнда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган экспорт таркиби (жамига нисбатан %да)**



Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Эрон, Афғонистон, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамкор давлатлари улуши 78,8 % ташкил этиб, импортда эса Хитой, Россия, Туркменистон, Жанубий Корея, Туркия, Германия ҳамкор давлатларининг улуши 90,5 % ташкил қилади.

## Товарлар ва хизматлар экспортида асосий хамкор давлатларнинг улуши

2018 йил январь-июнь

2019 йил январь- июнь



Хизматлар экспорти ҳажми 9,6 млн.АҚШ долларини ёки экспорт ҳажмининг 6,4 %ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,6 % га кўпайганлиги кузатилди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компютер ва ахборот хизматлари ҳамда молиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.

### Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти


2019 йилнинг январь- июнь ойларида жами 57,4 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 29,7 млн.АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати - 2,9 м.к). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2019 йилнинг январь - июнь ойларида 51,7 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 18,5 млн.АҚШ долларига экспорт қилинган.

Шунингдек, 5,7 минг тонна мева ва резаворлар 11,2 млн.АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 минг тоннага кўпайган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот

маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилнинг январь- июнь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 29,7 млн.АҚШ доллариға етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 бараварга ўсган).

### Мева-сабзавот маҳсулотларининг таркиби январь-июнь ойлари (минг т.)



### Вилоятда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий бозорлари экспорт географияси

Давлат номи	2018 йил январь-июнь			2019 йил январь-июнь		
	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, %	тонна	минг АҚШ доллари	улуши, %
Қирғизистон	359,6	571,9	0,6	2814,9	9098,3	6,0
Белорусия	608,4	128,6	0,1	1645,5	1403,1	0,9
Хитой	257,2	434,6	0,4	561,6	471,6	0,3
Қозоғистон	15845,3	8114,2	8,0	32480	14218,2	9,4
Афғонистон	296,9	254	0,2	74,4	52,5	-
Эрон	-	-	-	116,5	78,2	0,1

Руминия	-	-	-	3490,3	409,2	0,3
Россия	538,1	397,0	0,4	524,0	301,5	0,2
Туркия	48,0	29,6	-	44,1	8,8	-
Иордания	-	-	-	22,0	12,2	-
Жанубий Корея	-	-	-	45,1	9,4	-
Туркменистон	-	-	-	0,3	17,2	-
Украина	-	-	-	0,9	0,7	-

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида импорт хажми 483,2 млн.АҚШ долларига (ўсиш суръати 128,3 %) тенг бўлди. Импорт таркибида энг катта улуш энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (50,8 %), машина ва асбоб-ускуналар (27,6 %) ва бошқа (13,4 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келади.


#### Импорт таркиби (2019 йил январь-июнь)

	<i>Млн. АҚШ долл.</i>	<i>2018 й. январь– июнига нисбатан % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Импорт</b>	<b>483,2</b>	<b>128,3</b>	<b>100,0</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	8,6	156,4	1,8
кимё маҳсулотлари ва буюмлари	24,4	135,6	5,0
энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	245,7	107,0	50,8
қора ва рангли металллар	6,2	74,7	1,3
машина ва асбоб-ускуналар	133,5	166,2	27,6
хизматлар	0,4	133,3	0,1
бошқалар	64,3	186,9	13,4

Товар ва хизматлар импорти таркиби, (млн. АҚШ доллари)

2018 йил январь-июнь


2019 йил январь-июнь



**Импорт таркиби динамикаси**  
(январь-июнь ойлари; минг АҚШ доллари)

Таркиби	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ	5375,2	1225,1	3522,3	5539,1	8605,7
КИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ	11515,4	9521,6	8529,6	17968,9	24409,3
ЭНЕРГИЯ МАНБААЛАРИ ВА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ	208021,3	171647,2	226090,2	229738,8	245710,0
ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛАР	4985,0	3279,7	3761,6	8280,7	6170,9
МАШИНА ВА АСБОБ- УСКУНАЛАР	32861,4	18631,6	21329,9	80304,2	133500,8
ХИЗМАТЛАР	5797,5	396,3	333,8	353,9	443,3
БОШҚАЛАР	6382,8	9735,3	7964,6	34360,7	64328,0

**2019 йил январь-июнда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган импорт таркиби**



**МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган импорт таркиби  
(2019 йил январь-июнь)**

	МДХ давлатлари		Бошқа давлатлар	
	минг АҚШ долл.	Жамига нисбатан % да	минг АҚШ долл.	Жамига нисбатан % да
<b>Импорт</b>	<b>286187,2</b>	<b>100,0</b>	<b>196980,9</b>	<b>100,0</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	7388,8	2,6	1216,9	0,6
кимё маҳсулотлари ва буюмлари	6833,0	2,4	17576,3	8,9
энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	245602,7	85,8	107,3	0,1
кора ва рангли металллар	3997,7	1,4	2173,3	1,2
машина ва асбоб-ускуналар	6154,0	2,1	127346,8	64,6
хизматлар	-	-	443,3	0,2
бошқалар	16211,0	5,7	48117,0	24,4

## Товарлар ва хизматлар импортида асосий хамкор давлатларнинг улуши


2018 йил январь-июнь

2019 йил январь-июнь



2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятимизга 64 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шулардан 5 та энг йирик бўлган Туркманистон, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва Туркия ҳамкор давлатларидан жами импорт ҳажми 400,9 млн.АҚШ.долларига тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 83,0 % ини ташкил қилади.

### Машина ва ускуналар импорти динамикаси (январь-июнь ойлари; млн.АҚШ доллари)







Машина ва асбоб ускуналар импортнинг ортиб бориши тўғридан тўғри инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиниши ва модернизация қилинишида ўз аксини топади.

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

**2018 йил январь-июнь**



**2019 йил январь-июнь**



- Осиё
- Европа
- Бошқа қитъалар